Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 151 (20. 418) • 1989 йил 27 июнь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.



СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

26 июнь куни Москвада, СССР Олий Советининг мажлислар залида СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Палаталарнинг алоҳида мажлислари бўлди.

Миллатлар Совети мажлисини палата раиси Р. Н. Нишонов очди.

Шоир, Украина ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, депутат Б. И. Олейникни Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари этиб сайлаш тўғрисидаги таклиф депутатларнинг кўриб чиқиши учун тақдим этилди.

Б. И. Олейник саволларга жавоб берди.

Депутатлар овоз бериш йўли билан Б. И. Олейникни СССР Олий Совети Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари этиб сайладилар.

Шундан кейин кун тартиби тасдиқланди. СССР Конституцияси талаблари ва СССР халқ депутатлари съезди топшириқларидан келиб чиқадиган бир қанча қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш кун тартибига киритилди.

Муҳокамага жорий қонунчилик, халқаро шартномаларни ратификация қилиш масалалари ва бошқа масалалар ҳам киритилди.

СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари **А. И. Лукьянов** депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Сессиянинг иш тартиби қабул қилинади. Масалалар сессия кун тартибига қай тартибда киритилган бўлса, уларни худди шу тартибда кўриб чиқишга қарор қилинди. Қонун лойиҳалари одатда икки марта муҳокама қилинади. Биринчи муҳокамадан кейин лойиҳалар СССР Олий Советининг тегишли комитетларида ва палаталарнинг доимий комиссияларида тўлдирилади ва тузатилади, матбуотда эълон қилинади. Кун тартибига киритилган масалалар хусусидаги докладлар палаталарнинг қўшма мажлисларида тингланади, палаталарнинг қарорига кўра масалалар Миллатлар Совети ва Иттифоқ Советининг алоҳида бўладиган мажлисларида ҳам, қўшма мажлисларида ҳам муҳокама қилинади.

Ҳар ҳафта бир кун, яъни жума куни комитетлар ва комиссияларнинг иши учун бутунлай ажратилиши белгилаб қўйилди.

Депутатлар Миллатлар Совети комиссиялари ва СССР Олий Совети комитетларининг составларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришдилар.

Раислик қилувчи изоҳ бериб, ўтган мажлисда Миллатлар Советининг доимий комиссиялари тузилгани, уларнинг раислари сайланганини айтади. Комиссиялар составини тўғрисидаги таклифлар депутатларга тарқатилган эди. Комиссияларнинг составини комиссияларнинг раислари иштироки билан палата раиси томонидан тўлдирилади, депутатлар билан келишиб олинади ва шундан кейин тасдиқлашга тақдим этилади, деб шартлашиб олинди.

Миллий, сиёсат ва миллатлараро муносабатлар; иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ҳамда округлар социал ва иқтисодий тараққиёти масалалари; халқ истеъмоли товарлари, савдо, коммуналмаиший ва аҳолига кўрсатиладиган бошқа хизматлар; маданият, тил, миллий ва интернационал анъаналарни ривожлантириш, тарихий меросни асраш масалалари комиссияларининг составлари тасдиқланади.

Палата СССР Олий Совети комитетларининг составларини тасдиқлашга киришади.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг сўнгги қўшма мажлисида, деб изоҳ беради раислик қилувчи, палаталарнинг раислари комитетларнинг раислари билан биргаликда депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, СССР Олий Совети комитетларининг составлари тўғрисидаги таклифларни охиригача ишлаб чиқадилар ва мазкур таклифларни ҳар бир палата кўриб чиқмоғи учун тақдим этадилар, деб келишиб олинган эди. Ана шу таклифлар депутатларга тарқатилган.

СССР Олий Советининг халқаро ишлар комитети состави тасдиқланади.

Мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитети состави кўриб чиқилаётганида комитетга барча иттифоқдош республикалар вакилларини киритиш тўғрисида таклиф айтилди. Бу таклифни асослаб, бирон-бир иттифоқдош республикадан депутатларнинг киритилмаслиги ана шу республикага ишончсизликнинг намоён бўлиши, деб баҳоланиши мумкинлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан раислик қилувчи **Р. Н. Нишонов** айрим таклифлар шу таҳлитда айтилмоқдаки, гўё кимдир кимгадир бирон-бир таклифни тиқиштираётгандек, кимдир эса ниманидир ҳимоя қилаётгандек туюлмоқда, деб таъкидлади. Бундай позициядан юз ўгириш керак. Раислик қилувчи барчага мурожаат қилиб, амалий, осойишта муҳокамага даъват этди.

Нотиқлар айтган таклифлар инобатга олиниб, СССР Олий Советининг мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитети состави тасдиқланди. Палаталарнинг қўшма мажлисига комитет составига Қозоғистон ССР ва Литва ССР вакилларини киритиш тўғрисидаги масалани тақдим этишга қарор қилинди.

Қонунчилик қонун ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети состави тасдиқланди.

Халқ депутатлари Советлари иши, бошқарув ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш масалалари; иқтисодий ислоҳот масалалари; аграр масалалари ва озиқ-овқат; қурилиш ва архитектура масалалари; фан, халқ таълими, маданият ва тарбия; халқ соғлиғини сақлаш; хотин-қизлар ишлари, оила, оналик ва болаликни муҳофаза этиш; ветеранлар ва инвалидлар ишлари; ёшлар ишлари; экология ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари; ошкоралик, гражданларнинг ҳуқуқлари ва мурожаатномалари масалалари комитетларининг составлари ҳам тасдиқланди.

Шу билан Миллатлар Советининг мажлиси тугади.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК

миллий анъанамиз гултожи эканлигини ҳар бир ёшнинг онгига чуқур сингдирайлик

Фарғона областида бўлиб ўтган воқеалар ёшларни ғоявий тарбиялашни янада кучайтириш, бу соҳадаги ишларни қайта қуриш ва янгиланиш талабларн даражасида ташкил этишни шу кунининг энг долзарб вазифаларидан бирн қилиб қўйиш зарурлигини кўрсатди.

Яқинда бўлиб ўтган республика партия-хўжалик активи йиғилиши барча меҳнаткашларга, айниқса ёш авлодга турли миллат ва элатларга мансуб кишилар билан ягона оила фарзандларидек дўст, иноқ яшаш ва меҳнат қилиш ҳиссини чуқур сингдириш лозимлигини таъкидлади. Ташкилий-тарбиявий ишларни экономика, социал соҳа, маданият ва экологияда вужудга келган муаммоларни изчил ҳал этиш билан бирга қўшиб олиб бориш вазифасини қўйди, область меҳнаткашларини иш билан таъминлаш, пахта монокультураси ва у вужудга келтирган барча қийинчиликларни тугатиш, водийда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш юзасидан бир қатор жиддий тадбирлар белгиладн. Бу тадбирлар қатъиятлик билан, изчил амалга оширилади.

Ҳозир салкам 20 миллион киши яшаётган республикамизда аҳолининг қарийб 70 процентини ташкил этадиган ўзбеклардан ташқари кўпгина миллатлар ва элатларнинг вакиллари истиқомат қилмоқда. Интернационализм ҳамиша ўзбек халқининг миллий анъанаси бўлиб келган, бу хислат унинг қонқонига сингиб кетган. Ҳаммамиз учун меҳнаткашларнинг қардошлиги, турли миллат халқлари дўстлиги ва биродарлиги бой маънавиятимизнинг таркибий қисмига, совет кишиларининг том маънодаги ифтихорига айланган. Ана шу бойликдан амалий ишларда қандай фойдаланиш керак — бу ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир партия ташкилотининг ижодий ёндашуви масаласидир, деб таъкидланди партия активи йиғилишида.

Коммунистик партия интернационалистларининг янги авлодини тарбиялаб вояга етказиш учун ғамхўрлик қилмоқда. Советларнинг биринчи съезди бутун ҳаётимизни тубдан қайта қуриш ва янгиланиш даврида бу жараённинг роли ва аҳамиятини алоҳида кўрсатар экан, ёшларни коммунистик ғоявийлик, совет Ватанига садоқат, интернационализм руҳида тарбиялаш умумпартиявий ишнинг муҳим таркибий қисми эканлигини қайд этди. Партия ўз ташкилотларидан ёшлар билан мунтазам тарбиявий иш олиб боришни, уларга социалистик интернационализм ғоялари ва принципларини, миллий масалаларнинг марксча-ленинча назарияси ва КПССнинг ленинча миллий сиёсатини чуқур ўзлаштириб олишлари учун ёрдам беришни талаб этмоқда. Советлар съезди ҳамда республика партия-хўжалик активи йиғилиши ҳужжатларини тушунтириб бериш ёш ишчилар, деҳқон ва чорвадорлар ўртасида, мактаблар, техникум ва олий ўқув юртларида ўқув-тарбия жараёнларида олиб борилиши лозим бўлган сиёсий ташвиқот ва тарғибот ишларининг энг муҳим қисмидир.

Кундалик ҳаёт кўпчилик партия ташкилотлари бу соҳадаги фаолиятларини бўшаштириб юборганликларини, айрим жойларда эса амалий иш ўрнини қоғозбозлик ва расмиятчилик эгаллаб олганлигини яққол кўрсатмоқда. Ёзёвон, Пешку, Оқдарё район партия ташкилотларида ана шундай аҳвол рўй бермоқда. Қўқон, Марғилон шаҳарлари ва Тошлоқ районида содир бўлган воқеаларни, энг аввало, партия комитетларининг ташкилий-тарбиявий ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганликларн оқибати деб баҳолаш мумкин. Меҳнаткашлар редакциясига ёзаётган хатларида ана шундай деб айтмоқдалар. Олий ва ўрта таълим ўқув юртлари партия ташкилотлари ҳам етарли иш олиб бормаётир. Студент-ёшлар билан ишлаш ёмон аҳволда эканлиги сабабли Тошкентдаги геология-разведка техникуми ётоқхонасида чиққан можаро кўпчиликни ташвишлантириб қўйди.

«Китоб район партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари маҳаллаларда бўлиб ерли халқ, айниқса ёшлар дилига қўл солмаяптилар, — деб ёзади Шредер номли Қарши мевали кўчатлар етиштирувчи совхозининг Китобдаги филиали ишчиси Р. Ибрагимов. — Турли хил миш-мишлар одамларнинг юрагига гулгула солиб қўймоқда. Ана шундай кунларда партия ходимлари ўз иш жойларини меҳнат коллективларига, маҳаллаларга кўчирмишлари, кишиларнинг дардларн ва истакларига қулоқ солиб, зарур ёрдам кўрсатишлари керак». Шундай мазмундаги хатлар редакцияга кўплаб келиб турибди.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш корхоналари, колхоз ва совхозларнинг коллективлари бошқа республикалардаги ҳамкасблари билан амалий алоқалар боғлаб, иқтисодий ҳамкорлик қилмоқдалар. Табиий офатлардан зарар кўрган бошқа республикаларнинг аҳолисига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳам ёшларни тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда. Аммо шу билан бирга кўпгина яхши анъаналар, жумладан, халқлар дўстлиги интернационал клублари иши, бир пайтлар катта самаралар берган ва оммавий тус олган «Иттифоқдош республикалар ёшлари кунлари» каби тадбирларни ўтказиш, революцион жанговар ва меҳнат шуҳратн жойларига походлар уюштириш, ижтимоий-сиёсий ўқишлар ташкил этиш каби жуда ҳам фойдали ва таъсирчан тадбирлар асоссиз тарзда унутиб юборилди. Буларни тиклаш, қайта қуриш ғояларн билан бойитиш ва улардан тарбия ишида кенг фойдаланиш лозим.

Республика партия-хўжалик актнви йиғилиши меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берар экан, жойларда миллатчилликнинг ҳар қандай шакл ва кўринишларига, миллий анъаналаримизга зид бўлган барча иллатларга қарши кураш олиб боришни талаб этди.

Комсомол ҳар бир ишда партиянинг энг яқин ёрдамчисидир. Бироқ ёшларни тарбиялашда улар ўз имкониятларидан тўла фойдаланяптилар, деб бўлмайди. Кўпгина комсомол комитетлари ташкилий-тарбиявий ишлардан четда қолмоқдалар. Айрим ташкилотлар эса амалий иш ўрнига расмиятчилик ва қоғозбозликни афзал кўраётирлар. Бу — қайта қуриш ва янгиланиш талабларига мутлақо зид. Ана шу сабабли комсомолнинг идеология соҳасидаги, айниқса ёшларни интернационал руҳда тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини тубдан қайта қуриш талаб этилмоқда.

Экономика, социал соҳа, маданият ва экологияда йўл қўйилган нуқсонлар ва республика тараққиётининг ҳозирги босқичидаги қийинчиликлардан айрим унсурлар ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга, ана шулар баҳонасида халқлар ўртасига раҳна солишга, бизнинг энг катта бойлигимиз — совет кишилари дўстлиги ва биродарлигига зарба беришга, миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга уринаётган ўхшайдилар. Партия ташкилотлари, барча коммунистлар ана шундай бир пайтда республика меҳнаткашларига, айниқса ёшларга ҳақиқий аҳволни тушунтириб бериши даъват этилганлар. Партия ва совет органлари йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиб беришни ўзларининг шу кунги энг муҳим вазифалари деб билмоқлари керак. Шунга эришэйликкн партиямизнинг В. И. Ленин бошлаб берган анъаналари — совет халқларининг дўстлиги ва биродарлигини кўз қорачиғидай асраш ва ривожлантиришга сира ҳам дог тушмасин. Интернационализм руҳи меҳнаткашлар онгига чуқур кириб боришга, ёш авлоднинг улуғ Октябрь инъом этган ва энг катта бойлигимиз бўлган халқлар дўстлиги идеалларига содиқ бўлиб қолишини таъминлайлик.



ЎРИМ ҚИЗҒИН

Айни кунларда Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхози далаларида қизғин меҳнат қўшиғи авжида. Ҳамма ёқдан ўрим комбайнларининг наъраси эшитилиб турибди. Бу ерда ғалла ўрими жадал давом эттирилмоқда. Апрель ойининг охирларида юз берган табиий офат ғаллакорларни ҳам шошириб қўйганди. Улар тадбиркорлик билан иш юритиб, экинларни вақтида озиқлантирдилар, натижаси ёмон бўлмаяпти.

Мардон Икромов етакчилик қилаётган звено галлакорлари фидокорона меҳнат қилдилар. Натижада мўл ҳосил етиштирилди. Ҳамма майдонларда бўлиқ бошоқлар кўзга ташланади. Звено аъзолари ҳар гектар майдондан пландаги 22 центнер ўрнига 30 центнердан арпа дони йиғиштириб олишаётир.

Миришкорлар чорва озуқаси ҳисобланган сомонни нобуд қилишмаяпти. Вақтида прессланиб, қишлов жойларига келтириб қўйилмоқда.

Жамоатчи суратқаш **У. ҚУШВОҚОВ** шу кунларда зарбдорларча меҳнат қилаётган ғаллакорларни тасвирга туширди. Чапда комбайнчи Холдор Исроиловни кўриб турибсиз. Юқорида совхоз директори Ғайбулла Кўрбонов, звено бошлиғи Мардон Икромов ва бригада бошлиғи Ҳаким Ўрозалиев. Пастда ўрим пайти.

«УЗАВТОДОРБАНК» ТУЗИЛДИ

СССР давлат банки Тошкентдаги коммерция банки — «Узавтодорбанк»нинг уставини тасдиқлади

Пайчилар йиғилиши қарорига кўра, унинг дастлабки маблағи 5,8 миллион сўм қилиб белгиланди. Уни Ўзбекистон Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги, Тошкент область ҳамда шаҳар пассажир ва юк ташиш автотранспорти бирлашмалари каби корхона ҳамда ташкилотлар таъсис этдилар.

Банк мамлакат территориясида ўз филиалларини очиш ҳуқуқига эга.

В. СЕРГЕЕВ.

БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

• *Шу сонга телеграммалар*

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

● Ульянов район чорвадорлари давлатга сут сотиш юзасидан белгиланган ярим йиллик топшириқни оширибадо этишди. Эл дастурхонига пландаги 4261 тонна ўрнига 4600 тоннадан зиёд сут етказиб беришди. Ҳозиргача мавжуд 3986 бош соғин сигирнинг ҳар биридан ўртача 1200 килограммдан сут соғиб олинди. Айни вақтда районда ҳар кун 33,5 тонна сут тайёрланмоқда.

Эришилган ютуққа «Пахтакор» совхозининг Адаш Ҳайдаров, «Ғалаба» совхозининг Изом Ғиёсов, «Партия XXIV съезди» совхозининг Нормурод Бекқулов, «Москва» совхозининг Нормурод Думаев мудирлик қилаётган сут-товар фермаларининг коллективлари салмоқли улуш қўшдилар. Бу коллективларда ҳар бош сигирдан 1400—1500 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди.

Ж. ЮСУПОВ.

● Иштихон районидаги Энгельс номли колхоз чорвадорлари моллар парваришини намунали ташкил этганликлари туфайли салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар куни кеча давлатга сут сотиш ярим йиллик планини бажаришди. Қабул пунктларига пландагн 432 тонна ўрнига 474 тоннадан зиёд серқаймоқ сут топширилиб, бу борадаги план 107 процент қилиб адо этилди.

Шунингдек, райондаги «Зарафшон» колхози «оқ чашма» жодкорлари ҳам давлатга сут топшириш олтн ойлик планини ортиғи билан уддаладилар. Чорвадорлар қабул пунктларига 217 тонна сут етказиб беришди.

У. САИДОВ.

БРАКСИЗ ИШЛАШ МУМКИН

Андижондаги электр аппаратлари заводининг Амир Хисматуллин бошлиқ йиғувчи-слесарлар бригадаси маҳсулот сифатига тўла кафолат бермоқда.

Бригада ютуғи корхонанинг тўла хўжалик ҳисобига ўтганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бригада завод маъмурияти билан тузган шартномада ҳар икки томон учун ўзаро манфаатдорлик акс этган. Шунга биноан, бригада маҳсулот сифатига тўла кафолат бермоқда.

Завод маъмурияти эса уларни муносиб рағбатлантирмоқда. Шу давр ичида бригада аъзоларининг модднй манфаатдорлиги 15—17 процентга кўтарилди. Лекин бундан завод зарар кўраётгани йўқ. Маҳсулот сифатига эътирозномалар, брак учун тўланадиган жарималар кескин камаймоқда.

Бригадада меҳнат интизоми барқарорлашди, ишга бўлган масъулият ҳезиларли ортди. Илғари бригада аъзолари ўз ишларига доир техника адабиётларини ўқишга ҳафсала қилишмаганди. Эндиликда электр-техника саноатидаги янгиликлар билан мунтазам танишиб боришга мажбур бўлишяпти.

Коллективда уч киши электр-механика техникумини битирган бўлиб, икки киши сиртдан ўқимоқда. Келаси беш йилликда бригаданинг барча аъзоси тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлади.

— Фақат иш кўникмасининг ўзи эндиликда етарли бўлмай қолди, — дейди А. Хисматуллин. — Тажриба билан биргаликда назарий билим ҳам ошириб борилса, иш сифатига тўла кафолат бериш мумкин.

Ҳа, хўжалик ҳисоби шароитида яхши ишлаган, яхши рағбатлантириляпти. Заводда йилнинг ўтган беш ойи мобайнида ялпи маҳсулотнинг 56 процентдан зиёдроғи давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилди. Олинган фойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 минг сўм ортди.

К. НИШОНОВ.

ДАЛАЛАРДА МЕҲНАТ НАФАСИ

РАЙОНДА БИРИНЧИ

Чортоқ районидаги Ҳ. Олимжон номли совхоз ғаллакорлари ишни пухта ташкил этганликлари туфайли районда биринчи бўлиб ғалла ўримини тамомлашга эришдилар. Миришкорларнинг фидокорона қилган меҳнатлари натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Мавжуд 40 гектар майдондаги ғаллазордан планда кўзда тутилган 30 центнер ўрнига 35 центнердан дон олинди. Ғалла ўрим-йиғимида комбайнчи Собиржон Муқимов жонбозлик кўрсатди.

Шунингдек, райондаги «Октябрь», А. Навоий номли колхозларда, «Партия XXII съезди» совхозида ҳам ғалла ўрим-йиғими жадал суръатларда олиб борилмоқда.

А. ҚОРАБОЕВ.

ҚАРДОШЛАР ДАСТУРХОНИГА

Янгиқўрғон районидаги Ульянов номли совхоз сабзавоткорлари карам етиштиришда ўзига хос тажриба мактабини яратишган. Биргина ўтган 1988 хўжалик йилида миришкорлар эл дастурхонига пландаги 800 тонна ўрнига 880 тонна карам топшириб, планни 110 процентга уддалаган эдилар. Сўзи ва иши бир деҳқонлар жорий йилда ҳам аҳоли дастўрхонига 7910 тонна мўл сабзавот етказиб беришга ахд қилишган, шунинг 800 тоннасини карам ташкил этади. Совхоз сабзавоткорлари эртаги карамни агротехника қоидалари асосида парваришладилар. Астойдил тер тўкиб қилинган меҳнат айни кунларда ўз самарасини бермоқда. Дастлабки йиғиштириб олинган карам ҳосилидан 200 тоннадан зиёдроғи қардошларимиз дастурхонига, мамлакатимизнинг йирик саноат марказларига жўнатилди. Эришилаётган бундай ютуқларда асосан оилавий пудратчиларнинг Инобатхон Мадаминова, Ҳалимахон Умрзоқова, Саноабархон Ваҳобова ҳамда Соҳибахон Жўраевааларнинг айниқса муносиб улушлари бор.

Р. ОРИФБОЕВ.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

«Ўн иккинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 34 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ингичка толали пахта етиштирамиз», Гагарин районидаги А. Набиев номли совхозининг А. Ақиев бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари ана шундай шиор асосида ғайрат билан ишлашмоқда. Улар шу кунгача ниҳолларни чопиқ қилиб, бегона ўтлардан тозалашди. Культивация ҳам ўз вақтида сифатли бажарилди. Ғўзалар қондирилиб суғорилмоқда.

Н. ТОҒАЙНАЗАРОВ.

ҒАЙРАТ БИЛАН

Айни кунларда Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхозининг Ҳ. Ҳамидов етакчилик қилаётган бригадаси даласида ғайрат билан меҳнат қилаётган деҳқонларни учратасиз. 98 гектар майдондаги ғўза ривожи яхши. Бунга тўрт марта сифатли ишлов бериб, озиқлантирилганлиги ҳамда қондириб суғориш туфайли эришилди.

Коллективнинг бу йилги режалари аниқ: гектаридан 45 центнердан пахта ҳосили олиш. Ҳозирги дала ишлари вақтида яхша бўлмоқда.

Р. КОМИЛОВ.

АКТИВЛАР ЙИҒИЛИШИ

Бухорода область партия-хўжалик активларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари областда физкультура — соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларининг аҳволи ҳамда уларни янада ривожлантириш чора-тадбирларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг секретари Ю. С. Саиджонов доклад қилди.

Йиғилишда Бухоро область ижроия комитетининг раиси Ш. К. Гатаулин нутқ сўзлади.

Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, КПСС Марказий Комитети масъул ходими В. В. Илюшин активлар йиғилиши ишида қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

БАЛХДАН КЕЛГАН ДЕЛЕГАЦИЯ

Сурхондарё области билан Афғонистон Республикасининг Балх вилояти ўртасидаги бевосита оталиқ алоқалари муваффақиятли ривожланмоқда. Область ва Термиз шаҳар хотин-қизлар кенгашларининг таклифига мувофиқ Хайратон шаҳри ва Балх вилояти баъзи уездлари хотин-қизлар ташкилотлари раҳбарлари делегацияси Сурхондарёда бўлди. Меҳмонлар «Сурхон» совхозига, Шеробод сопол буюмлари заводига бордилар, областнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Меҳнат коллективларида суҳбатлар бўлди. Меҳмонлар хотин-қизларнинг иш ва дам олиш шароитлари билан, хотин-қизлар кенгашларининг социал масалаларини ҳал этишдаги иштироки билан қизиқдилар. Делегация аъзолари область касаба союз комитетида қабул қилинди.

(ЎзТАГ мухбири).

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК УЧУН ДИПЛОМЛАР

Ўқув йили тугаши муносабати билан «Мулоқот» сиёсий клубининг бир группа фаолларига «Халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун» дипломлари топширилди. Дипломлар Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятлари союзи номидан берилди.

Сиёсий клуб Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида фаол иш олиб бораётганига икки йил бўлди. Унинг қатнашчилари — Тошкентда таълим олаётган хорижий талабалар, аспирантлар, стажерлардир. «Мулоқот» клуби КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсатини янгича сиёсий фикрлаш негизида тушунтиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган, клубда қайта қуриш муаммолари, ёшларнинг халқаро ҳаракатда тутган ўрни муҳокама қилинади.

(ЎзТАГ).

1991—1995 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОГРАММАСИДА ҚУРИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ БЕЛГИЛАНГАН КОРХОНАЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

Туб структуравий силжишлар, ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлигини кўпайтириш ҳамда бошқарув ва хўжалик юритиш замонавий усулларини жорий қилиш асосида 1991—1995 йилларда Ўзбекистон ССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш ва республика аҳолиси фаровонлигини ошириш республика программаси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ниҳоясига етди.

Эълон қилинган программа лойиҳасини Ўзбекистон меҳнаткашлари кенг миқёсда ижобий фикр билдириб кутиб олганликларини таъкидлаб ўтмоқ керак. Территориал органлардан, министрликлар ва идоралардан, айрим граждандардан ҳаммаси бўлиб 150 тадан кўпроқ таклиф, тузатиш ва мулоҳаза тушди. Бу таклифлар асосан социал ривожланишни кучайтириш, экология вазиятини соғломлаштириш, озиқ-овқат муаммосини ва бошқа муаммоларни ҳал этиш йўлларига тааллуқлидир.

Республика план, хўжалик ва совет органлари шу таклифларни эътиборга олиб, программа кўрсаткичларига аниқлик киритиш юзасидан катта иш қилдилар. Бунда саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини ривожлантириш асосида янги иш жойларини вужудга келтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Қуйида қурилиб, ишга тушириладиган корхоналарнинг рўйхати эълон қилинмоқда, бу корхоналар республика айрим регионларининг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришга қудратли омил бахш этади, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан самарали таъминлаш учун асос яратади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

	қурилиш тури:	жойлаштириш пункти
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги		
Пойабзал фабрикаси	янги	Қўнғирот
Тикув-трикотаж фабрикаси*	янги	Нукус
Бўяш-пардозлаш* фабрикаси	янги	Нукус
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети		
Цемент заводи	янги	Нукус
Ёғ-экстракция заводи	янги	Беруний
Пиво заводи	кенгайтириш	Нукус
Алкоголсиз ичимликлар заводи	янги	Беруний
Гўшт комбинати	янги	Нукус
Сут заводи	янги	Беруний
Сут заводи	реконструкция	Нукус
Сут заводи	кенгайтириш	Хўжайли
Сут заводи	янги	Қўнғирот
Ғишт заводи	янги	Чимбой райони
Ғишт заводи	янги	Тўрткўл райони
Ғишт заводи	кенгайтириш	Манғит
Уйсозлик комбинати	реконструкция	Нукус
Керамзит-бетон блоклар заводи	янги	областда
Майдалаш-саралаш заводи	янги	Қоратов аҳоли пункти
Керамзит-шағал заводи	кенгайтириш	Нукус
«Қаракалпакагропромстрой» трестининг оҳак цехи	янги	областда
Иморатбоп гипс цехи	янги	областда
Иморатбоп гипс цехи	янги	областда
Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети		
Оқтов карьери	кенгайтириш	Оқтов
Оҳак заводи	кенгайтириш	Нукус
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги		
Ғишт заводи	янги	областда
Болалар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаси	янги	Хўжайли
Ўзбекбирлашув		
Консерва заводи	янги	областда
«Ўзбекмебель» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмаси*		
Мебель фабрикаси	кенгайтириш	Нукус
Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети		
Ғишт заводи	янги	Нукус
Рўзғор чиқитларини қайта ишлаш заводи	янги	Нукус

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

СССР Электр техника саноати министрлиги		
Андижон «Электродвигатель» заводи	кенгайтириш	Андижон
СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги		
Давлат подшипник заводи-27	кенгайтириш	Охунбобоев
Прицеплар заводи*	кенгайтириш	Ленинск
СССР Давлат стандартлар комитети		
«Эталон» заводининг филиали	кенгайтириш	Андижон
СССР Темир йўллар министрлиги		
Қуюв-механика заводи	янги	Пахтаобод
СССР Давлат агросаноат комитети		
Қайта ишлаш тармоқлари учун махсус қувурлар арматураси тайёрлаш заводи	янги	Шаҳрихон
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети*		
Консерва заводи	янги	Қўрғонтепа
Чой қадоқлаш заводи	янги	Шаҳрихон
Алкоголсиз ичимликлар заводи	янги	Советобод
Гўшт комбинати	янги	Андижон
Сут заводи	кенгайтириш ва реконструкция	Шаҳрихон
Ғишт заводи	янги	Пахтаобод районн
Норуда қурилиш материаллари карьери	янги	Пахтаобод
Норуда қурилиш материаллари карьери	янги	Хўжаобод
Ғишт заводидаги оҳак цехи	янги	Хакент аҳоли пункти
Монолит уйсозлик базаси	янги	областда
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги		
Тароқлаб ип йигириш фабрикаси	янги	Чувама
Пойабзал фабрикаси	янги	Андижон
Тикув фабрикаси	янги	Избоскан
Тикув фабрикаси	янги	Ленинск
Тикув фабрикаси	янги	областда
Тикув фабрикаси	янги	Ёркишлоқ
Ишлаб чиқариш-территориал бирлашмасининг филиали	реконструкция	Пахтаобод
Ишлаб чиқариш-ошлаш экстракт бирлашмаси («Тарандубитель»)	реконструкция	Советобод
Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси	кенгайтириш ва реконструкция	Андижон
Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали	реконструкция	Луғумбек
Тикувчилик фабрикаси*	янги	Шаҳрихон
Устки трикотаж фабрикаси*	янги	Марҳамат
Тикувчилик-трикотаж фабрикаси	янги	Харабек
Трикотаж газлама фабрикаси	кенгайтириш	Олтинкўл
Ўзбекистон ССР Қурилиш ишлари давлат комитети		
2-йирик панелли уйсозлик заводи	янги	Андижон шаҳри
Монолит уйсозлик базаси	янги	областда
Йирик панелли уйсозлик заводи	янги	Ленинск
Андижон 13-ғишт заводлари бошқармаси	реконструкция	Андижон
Уйсозлик комбинати	реконструкция	Андижон
Ўзбекбирлашув		
Консерва заводи	янги	областда
Гўшт маҳсулотларини қайта ишлаш заводи	янги	областда
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги		
Болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш заводи	янги	Андижон
Бахмал ишлаб чиқариш фабрикаси	янги	Шаҳрихон
Тивит-пар буюмлари фабрикаси (Италия технологик линияси)	янги	Ленинск
Микроэлектродвигателлар ишлаб чиқариш заводи	янги	Андижон
Халқ истеъмоли моллари фабрикаси (мўйнали пўстин ишлаб чиқариш)	кенгайтириш	Олтинкўл
Бадиий буюмлар фабрикаси	кенгайтириш	Андижон
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги		
Халқ истеъмоли моллари цехи	янги	областда
Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари давлат комитети		
Маҳсулот етказиб бериш корхонаси	реконструкция	Ахтачи посёлкаси
Область ижроия комитети		
Рўзғор чиқитларини қайта ишлаш заводи	янги	Андижон

БУХОРО ОБЛАСТИ

СССР Нефть химияси саноати министрлиги		
Полимер материаллардан болалар пойабзалларини ишлаб чиқариш заводи	янги	областда
СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги		
Бухоро озуқа оқсили заводи — микробиологик озуқа оқсили ишлаб чиқариш комплекси	янги	областда
СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги		
Электрохимия заводи, ТНП цехи	кенгайтириш	Навоий
Жерой Сардара фосфат кони	янги	
СССР Химия саноати министрлиги		
«Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси	кенгайтириш	Навоий
СССР Қора металлургия министрлиги		
Металл парчаларини қайта ишлайдиган цех	янги	Навоий
СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги		
Цемент заводи	кенгайтириш	Навоий
СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги		
Ихтисослаштирилган тажриба заводи	кенгайтириш	Бухоро
СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги*		
Кон-бойитиш комбинати	янги	областда
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети*		
Бухоро вино заводи	янги	Бухоро
Ёғ-экстракция заводи	янги	Навоий
Ёғ-экстракция заводи	техника билан қайта жиҳозланади	Бухоро
Гўшт комбинати	кенгайтириш	Бухоро
Саллоҳхона	реконструкция	Навоий
Сут комбинати	кенгайтириш	Бухоро
Сут заводи	реконструкция	Ғиждувон
Майдалаш-саралаш қурилмаси	янги	Қуйимозор
Гипсдан тўсиқбоп плиталар ишлаб чиқариш цехи	янги	областда
Пардозбоп сопол плиталар заводи	янги	областда
Йирик панелли уйсозлик заводи	янги	Бухоро
Ғишт заводи	янги	Навбаҳор аҳоли пункти
Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги		
Дон маҳсулотлари комбинати	янги	Пролетаробод аҳоли пункти
Нон комбинати	кенгайтириш	Когон
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети*		
Ғишт заводи	янги	Бухоро
Ўзбекистон ССР Госстройи*		
Керамзит заводи	реконструкция	Бухоро
Бухоро графит-гипс комбинати	кенгайтириш	Когон
Йирик панелли уйсозлик заводи	янги	областда
Монолит уйсозлик базаси	янги	Бухоро
Металл конструкциялар заводи	янги	Бухоро
Ёғочни қайта ишлаш заводи	янги	Бухоро
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги		
Трикотаж фабрикаси	янги	Бухоро
Пойабзал фабрикаси	янги	Бухоро
Тикувчилик фабрикаси	янги	Газли
СССР 60 йиллиги номли Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси	реконструкция	Бухоро
Устки трикотаж фабрикаси *	янги	Навоий
СССР 60 йиллиги номли Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали *	реконструкция	Зарафшон
Трикотаж фабрикаси *	янги	Навоий
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги		
Резина-техника буюмлари (миллий калиш) ишлаб чиқариш заводи	янги	Когон
Иккиламчи пластмассани қайта ишлаш заводи (ПХР технология линияси)	янги	Бухоро
Безакбоп плита ишлаб чиқарадиган завод	янги	Бухоро
Линолеум заводи	янги	Навоий
Ғишт заводи	янги	Навоий
Пўстин фабрикаси (Югославия технология линияси)	янги	Зарафшон
«Ўзбекмебель» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси		
Мебель фабрикаси	янги	Навоий
Область ижроия комитети *		
Ғишт заводи	янги	Навоий
Оҳак заводи	янги	Навоий
Рўзғор чиқитларини қайта ишлаш заводи	янги	Бухоро

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги		
Толимаржон ГРЭСи	янги	
Ҳисорак ГЭСи	янги	
СССР Газ саноати министрлиги		
Газ-химия комплекси (чет эл фирмаси билан биргаликда)	кенгайтириш	Шўртон
Газни қайта ишлаш заводи	кенгайтириш	Муборак
Йирик панелли уйсозлик полигони	кенгайтириш	областда
СССР Қора металлургия министрлиги		
Металл парчаларини қайта ишлаш цехи	янги	Шаҳрисабз
Металл парчаларини қайта ишлаш цехи	янги	Қарши
Радиозавод	янги	Қарши
СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги		
Станок узелларн заводи	янги	областда
Кичик станоклар заводи	янги	областда
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети		
Вино заводи	янги	Шаҳрисабз
Алкоголсиз ичимликлар заводи	янги	Қарши
Гўшт комбинати	янги	Шаҳрисабз
Гўшт комбинати	кенгайтириш	Қарши
Сут заводи	янги	Ғузор
Ғишт заводи	янги	Қамаши райони
Майдалаш-саралаш қурилмаси	янги	Танхоз
ССК—15 карьери	реконструкция	Қамаши
Оҳак цехи	янги	Косон
Қурилишбоп гипс цехи	янги	областда
Йирик панелли уйсозлик заводи	янги	Қарши
Йиғма темир-бетон заводи	янги	Қарши
Социал-маданий-маиший соҳа учун йирик панелли уйсозлик заводи	янги	областда
Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги		
Дон маҳсулотлари комбинати	янги	Шаҳрисабз
Дон маҳсулотлари комбинати	янги	Ғузор
Ўзбекистон ССР Госстройи *		
Уйсозлик комбинати	реконструкция	Қарши
Монолит уйсозлик базаси	янги	областда
Уйсозлик комбинати	янги	Китоб
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети		
Чияли қум карьери	янги	областда
Ўзбекистон ССР Енгил саноати министрлиги		
Тароқлаб йигириш фабрикаси	янги	Китоб
Декоратив-пахмоқ шойи газламалар комбинати Қуйидаги составда:	янги	Шаҳрисабз
Пиллакашлик фабрикаси		
Тўқувчилик фабрикаси		
Тикувчилик фабрикаси	янги	областда
Тикувчилик фабрикаси	янги	Шаҳрисабз
Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси	реконструкция	Қарши
Қарши тикувчилик бирлашмасининг филиали	реконструкция	Китоб
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги		
Синган ойнадан ТНП ишлаб чиқариш заводи	янги	Китоб
Оҳак цехи *	янги	Шаҳрисабз
Пахмоқ газламалар фабрикаси (ГДР технология линияси)	янги	Қарши
«Ўзбекбирлашув»		
Консерва заводи	янги	областда
«Ўзбекмебель» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмаси		
Мебель фабрикаси	янги	Қарши
«Ўзбекгидроэнергострой» трести		
Шағал саралаш заводи	янги	Ғузор
Область ижроия комитети		
Ғишт заводи	янги	Шаҳрисабз
Шағал саралаш заводи	янги	Яккабоғ
Майдалаш-саралаш қурилмаси билан бирга карьер	янги	областда

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

СССР Химия саноати министрлиги		
Химия заводи	кенгайтириш	Наманган
СССР Нефть-химия саноати министрлиги		
Резина пойабзал заводи	янги	Чуст
СССР Электротехника саноати министрлиги		
«Электротерм» Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмаси	кенгайтириш	Наманган
СССР Химия машинасозлиги министрлиги		
Машинасозлик заводи	кенгайтириш	Наманган
* * *		
Механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари заводи	кенгайтириш	Наманган
* * *		
Махсус конструкторлик бюроси билан биргаликда технология ускуналари, уларга эҳтиёт қисмлар ва узеллар тайёрлайдиган завод	янги	Наманган
СССР Давлат агросаноат комитети		
Атир-упа-косметика фабрикаси	янги	областда
* * *		
Рангли телевизорлар ишлаб чиқарадиган завод	янги	областда
СССР Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқариш системалари министрлиги		
Ҳисоблаш техникаси воситалари илмий-ишлаб чиқариш комплекси	янги	областда
Агросаноат комплекси приборлари ва системалари илмий-ишлаб чиқариш комплекси	янги	областда
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети *.		
Консерва заводи	янги	Косонсой
Вино заводи	янги	Наманган
Консерва заводи	янги	Беруний совхози
Ҳамиртуруш заводи	янги	Чуст
Пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинати	реконструкция	Наманган
Механика заводи	реконструкция	Тўрақўрғон
Гўшт комбинати	реконструкция	Наманган
Сут заводи	кенгайтириш	Наманган
Сут заводи	янги	Учқўрғон
Механика заводи	реконструкция	Тўрақўрғон
Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги		
Нон комбинати	кенгайтириш	Наманган
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги		
Қўйлакбоп газламалар ва плашчбоп хом сурп ишлаб чиқарадиган йигирув-тўқув фабрикаси	янги	Наманган
Трикотаж фабрикаси	янги	Тўрақўрғон
Тикувчилик фабрикаси	янги	областда
Тикувчилик фабрикаси	янги	Учқўрғон районидаги Қайқи аҳоли пункти
Тикувчилик фабрикаси	янги	Ворзиқ аҳоли пункти
Абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси составида:		
Пиллакашлик фабрикаси	янги	Наманган
Чет эл фирмалари иштирокида пардозлаш фабрикаси	янги	Наманган
Тўқимачилик фабрикаси	янги	Наманган
Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинати	техник қайта жиҳозлаш	Наманган
комбинат филиаллари	техник қайта жиҳозлаш	Уйчи аҳоли пункти
комбинат филиаллари	техник қайта жиҳозлаш	Ҳаққулобод
комбинат филиаллари	жиҳозлаш	Учқўрғон
Нотўқима материаллар ишлаб чиқариш бирлашмаси (қайтадан ихтисослаштириш)	реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш	Наманган
Пардозлаш фабрикаси*	янги	Наманган
Устки трикотаж фабрикаси*	янги	Шаҳанд аҳоли пункти
Устки трикотаж фабрикаси	янги	Чортоқ
Тикувчилик трикотаж фабрикаси*	янги	Янгиқўрғон аҳоли пункти
Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси*	кенгайтириш	Наманган
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги		
Рўзғор вентиляторлари ишлаб чиқарадиган завод	янги	областда
Ғишт заводи	янги	Наманган
Пиллакашлик фабрикаси	янги	Уйчи
Пардозбоп плиталар ишлаб чиқарадиган завод	янги	Наманган
Шойи тўқиш фабрикаси (пахмоқ-жаккард газламалар ишлаб чиқариш)	кенгайтириш	Косонсой
«Ўзбекмебель» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмаси		
Мебель фабрикаси	кенгайтириш	Наманган
Область ижроия комитети*		
Норуда қурилиш материаллари карьери	реконструкция	Наманган
Оҳак заводи	янги	Косонсой
Ўзбекистон ССР Госстройи *		
«Ўзбеккровля» комбинати	кенгайтириш	Поп
Темир-бетон буюмлари заводи		Наманган
Уйсозлик комбинати	техник қайта жиҳозлаш	Наманган

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги		
ВАЗ автомобиллари деталлари, узеллари ва агрегатларини тиклаш заводи	янги	Самарқанд
«Красний двигатель» заводи*	реконструкция	Самарқанд
СССР Олмос ва олтин бош бошқармаси		
Зармитон кони	янги	
СССР Ўғит саноати министрлиги		
Химия заводи	кенгайтириш	Самарқанд
СССР Темир йўллар министрлиги		
Шағал заводи	янги	Жом
* * *		
Прибор заводи	янги	Самарқанд
* * *		
Рўзғор холодильниклари ва музлатгичлар ишлаб чиқарадиган завод	янги	областда
СССР Стандартлар давлат комитети		
«Эталон» заводининг филиали	янги	областда
СССР Физкультура ва спорт давлат комитети		
Спорт қайиқлари заводи учинчи навбати	кенгайтириш	Самарқанд
СССР Ўрмон саноати министрлиги		
Гул қоғоз фабрикаси	янги	Самарқанд
СССР Давлат агросаноат комитети*		
Тажриба заводи	янги	Самарқанд
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети		
Сабзавот қуритиш заводи	янги	областда
Тара заводи	янги	Красногвардейск
Вино комбинати	янги	Красногвардейск
Спирт-арақ заводи	янги	Самарқанд
Консерва заводи	янги	областда
Кондитер фабрикаси	янги	Самарқанд
Глюкоза-мева шарбати ишлаб чиқарадиган завод	янги	Самарқанд
Пиво заводи	реконструкция	Самарқанд
Алкоголсиз ичимликлар заводи	янги	Каттақўрғон
Сут заводи	янги	Оқтош
Ғишт заводи	янги	Хатирчи районн
Гипс-бетон блоклари заводи	янги	областда
Керамзит-шағал цехи	янги	областда
Оҳак цехи	янги	Нурота шаҳри
Қурилиш гипси цехи	янги	областда
Йирик панелли уйсозлик заводининг II навбати	кенгайтириш	областда
Социал-маданий-маиший мақсадлар учун йирик панелли уйсозлик деталлари	янги	областда
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги		
Мовут комбинати	янги	областда
Тикувчилик фабрикаси	кенгайтириш	Жума шаҳри
«8 Март» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали	реконструкция	Каттақўрғон
Пиллакашлик фабрикаси*	кўчирилади	Самарқанд
Шойи тўқиш фабрикаси*	кенгайтириш	Самарқанд
Охунбобоев номли кўнчилик заводи*	кенгайтириш	Самарқанд
Чинни заводи*	кенгайтириш	Самарқанд

(Давоми учинчи бетда).

1991—1995 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОГРАММАСИДА ҚУРИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ БЕЛГИЛАНГАН КОРХОНАЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Ўзбекистон ССР Қурилиш давлат комитети

Жума карьери	янги	
Керамзит заводи	кенгайтириш	Жума
Йирик панелли уйсозлик заводи	кенгайтириш	Каттақўрғон
Уйсозлик комбинатининг II навбати	кенгайтириш	Самарқанд
Монолит уйсозлик базаси	янги	Самарқанд
Темир-бетон буюмлар заводи	янги	Самарқанд

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети

Оҳак заводи	янги	Самарқанд

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги

105-дон базаси	кенгайтириш	Жума

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги

Металл фурнитура буюмлари ишлаб чиқарадиган завод (ЧССР технология линияси)	янги	Жума
Идиш-товоқ ва хўжалик-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарадиган қуюв заводи	янги	Жума
Хўжалик-рўзғор буюмлари заводи	кенгайтириш	Самарқанд
Ғишт заводи*	янги	областда

Ўзбекбирлашув

Хамиртуруш заводи	янги	областда

Область ижроия комитети

Рўзғор чиқитларини қайта ишлаш заводи	янги	Самарқанд шаҳри
Фогизолдан ғовак блоклар ишлаб чиқарадиган завод	янги	Самарқанд шаҳри
Ғишт заводи	янги	Янгикент аҳоли пункти
Ғишт заводи	янги	Иштихон аҳоли пункти

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

СССР Қора металлургия министрлиги

Темир-терсакни қайта ишловчи цех	янги	Денов шаҳри
Темир-терсакни қайта ишловчи цех	янги	Термиз шаҳри

СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги

Медицина резина буюмлари ишлаб чиқариш заводи	янги	областда

СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги

Биопрепаратлар заводи (ўсимликларни ҳимоя қилиш микробиология воситаларини ишлаб чиқариш комплекси)	янги	областда
Дорий дори-дармонлар заводи	янги	областда

СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги*

Тажриба ихтисослашган завод	кенгайтириш	Сариосиё

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети*

Консерва заводи	янги	областда
Гўшт музхонаси	янги	Денов
Сут заводи	янги	Денов
Гўшт комбинати	реконструкция	Термиз
Цемент заводи*	янги	областда

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети*

Йирик панелли уйсозлик заводи	янги	областда

Ўзбекистон ССР Ғалла маҳсулотлари министрлиги*

Дон маҳсулотлари комбинати	янги	Жарқўрғон
Дон маҳсулотлари комбинати	янги	Денов

Ўзбекистон ССР Енгил саноатн министрлиги

Жун газлама-мовут комбинати	янги	областда
Тўқимачилик-галантерея фабрикаси (лента тўқувчи)	янги	областда
Пойабзал фабрикаси	янги	областда
Тикувчилик фабрикаси	янги	Термиз

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги

Қуйма ва пуфланадиган буюмлар ишлаб чиқариш заводи (ГДР технология линияси)	янги	областда
Ғишт заводи*	янги	«Шеробод» совхози

Область ижроия комитети*

Ғишт заводи	янги	Термиз
Ғишт заводи	янги	Қумқўрғон
Норуда қурилиш материаллари очиқ кони	янги	Термиз

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

СССР Рангли металлургия министрлиги

Қўрғошин-руҳ кони	кенгайтириш	Учқулоч

СССР Олмос-олтин Бош бошқармаси

Олтин кони	реконструкция	Маржонбулоқ

СССР Химия саноати министрлиги

Капрон иплари ишлаб чиқариш заводи (1-навбат)	янги	Янгиер
Пластмасса заводи	кенгайтириш	Жиззах

СССР Электротехника саноати министрлиги

Электротехника заводи	кенгайтириш	Жиззах
Аккумулятор заводи	кенгайтириш	Жиззах

СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги

Тошкент абразив комбинатининг филиали	янги	Жиззах

СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги

Енгил автомобиллар учун фильтрлар заводи	янги	Янгиер
Комплектловчи буюмлар заводи* (ғилдирак тиқинлари, тормоз комплектлари)	янги	областда

СССР Темир йўллар министрлиги

Рефрижератор секциялари учун ғилдиракли вагон устахоналари	янги	Сирдарё

СССР Давлат агросаноат комитети

Тажриба ремонт-механика заводи	кенгайтириш	Гулистон

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети

Винони дастлабки тарзда ишлаб чиқариш заводи	янги	Дўстлик
Винони дастлабки тарзда ишлаб чиқариш заводи	янги	Бахмал
Консерва заводи	янги	Гулистон
Озиқ-овқат концентратлари заводи	янги	Жиззах
Сут заводи	янги	Янгиер
Сут заводи	янги	Сирдарё
Сут заводи	янги	Жиззах
Гўшт комбинати	реконструкция	Жиззах
Майдалаш-навларга ажратиш қурилмаси	янги	областда
Қурилиш гипси цехи	янги	областда
Социал-маданий-маиший объектлар учун йирик панелли уйсозлик заводи	янги	областда
Ғишт заводи	янги	Зомин райони
Ғишт заводи	янги	Дўстлик райони
Гипс-бетон блоклари заводи	янги	областда

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети*

Янги Жиззах оҳак заводи	янги	Фориш
Йирик панелли уйсозлик заводи	янги	областда
Ғишт заводи	янги	Сирдарё
Қурилиш материаллари комбинати	реконструкция	Янгиер
Ғишт заводи	янги	Сайхон аҳоли пункти

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги

Тикувчилик фабрикаси	янги	Пахтаобод аҳоли пункти
Тикувчилик фабрикаси	янги	Сирдарё
Тикувчилик фабрикаси	янги	Ховос
Ишлаб чиқариш-техника бўлими (тўқувчилик-бўёқчилик ишлаб чиқариш)	кенгайтириш	Жиззах
Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси филиали	кенгайтириш	Баланчақир

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги

Ғишт заводи	янги	Жиззах
Ғишт заводи	янги	Сирдарё
Туристлар, спорт ва дам олиш учун товарлар ишлаб чиқариш заводи (ГДР технология линияси)	янги	Гулистон
Сирдарё мактаб-спорт ускуналари экспериментал заводи	кенгайтириш	Сирдарё

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари давлат комитети

Маҳсулот етказиб берувчи корхоналар	янги	Оқ олтин

«Ўзбекмебель» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси

Болалар ва мактаб мебели фабрикаси	янги	Жиззах

Область ижроия комитети*

Янги Жиззах оҳак заводи	янги	Фориш

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги

Янги Ангрен ГРЭСи II навбат — 6—8 блоклар	янги	Нуробод аҳоли пункти
Ғовакли тошқол-блок заводи	янги	Нуробод аҳоли пункти

СССР Кўмир саноати министрлиги

«Ангрен» разрезининг «Апартак» участкаси	кенгайтириш	Ангрен шаҳри
Ангрен 9-шахтаси	кенгайтириш	Ангрен шаҳри
Бойитилмаган каолинни майдалаш ва навларга ажратиш фабрикаси	янги	Ангрен шаҳри
«Ангрен» разрезида бойитилган кўмир чиқиндиларини олиш ва улардан фойдаланиш қурилмаси	кенгайтириш	Ангрен шаҳри

СССР Рангли металлургия министрлиги

Олтинтопган қўрғошин-рух кони	кенгайтириш	Олмалиқ
Сариҳеку, Қалмоққир ғишт заводи	кенгайтириш	Олмалиқ
Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати-халқ истеъмоли товарлари цехи	реконструкция	Чирчиқ

СССР Қора металлургия министрлиги

Ўзбекистон металлургия заводи	реконструкция	Бекобод

СССР Олмос-олтин Бош бошқармаси

Олтин қазиб олиш фабрикаси	янги	Ангрен
Қизилолма кони	янги	Ангрен
Халқ истеъмоли товарлари цехи	янги	Бурчмулла аҳоли пунктидаги Ўртасарой кони

СССР Химия саноати министрлиги

Машинасозлик заводи	янги	Олмалиқ
Рўзғор химияси заводи	реконструкция	Олмалиқ

СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси	реконструкция	Чирчиқ
Химия заводи, халқ истеъмоли товарлари цехи	реконструкция	Олмалиқ

СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги

«Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, автомобилларга резина эҳтиёт қисмлари, санитария-техника ускуналари ишлаб чиқариш цехи	янги	Ангрен
спорт пойафзали фабрикаси	янги	областда
«Резинотехника» заводи	кенгайтириш	Ангрен

СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги

Биохимия заводи	янги	Чиноз

СССР Электротехника саноати министрлиги

Трансформатор заводи	кенгайтириш	Чирчиқ

СССР Химия машинасозлиги министрлиги

Ўзбекистон химия машинасозлиги заводи	кенгайтириш	Чирчиқ
Машинасозлик заводи	янги	Чиноз

СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги*

Юқори Чирчиқ «Сельхозмаш» заводи	реконструкция	Янгибозор
«Чирчиксельмаш» заводи	кенгайтириш	Чирчиқ

СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги

«Алинит» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — цемент-ишлаб чиқариш	янги	Оҳангарон
Цемент комбинати	кенгайтириш	Бекобод
«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси	кенгайтириш	Оҳангарон
Асбоцемент қувурлар ишлаб чиқариш	янги	Оҳангарон
Паст навли ёпишқоқ материал-цемент ишлаб чиқариш	янги	областда

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети*

Полиграфия комбинати	янги	Янгийўл
Пектин ишлаб чиқариш заводи	янги	областда
Гўшт комбинати	янги	Ангрен
Полиэтилен тара-идиш ишлаб чиқариш заводи	янги	областда
Вино заводи		Янгийўл шаҳри
Пиво заводи	реконструкция	Олмалиқ
Гўштни қайта ишловчи завод	янги	областда
Сут заводи	янги	Бекобод шаҳри
Сут заводи	реконструкция	Олмалиқ
Ғишт заводи	янги	Паркент
Ғишт заводи	янги	Ангрен
Майдалаш-навларга ажратиш қурилмаси	янги	Пискент
Норуда қурилиш материаллари кони	янги	Коммунистик райони
Керамзит заводи	янги	Келес
Сиртқи қоплама керамик плиталар ишлаб чиқариш заводи	янги	областда
Тўсиқли опалубкалар тайёрлайдиган заводлар	янги	областда
Енгил металл конструкциялар заводлари	янги	областда
Ностандарт ускуналар тайёрлайдиган завод	янги	областда

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги*

Дон маҳсулотлари комбинати	янги	Бинокор аҳоли пункти
Дон маҳсулотлари комбинати	янги	областда
Нон заводи	кенгайтириш	Чирчиқ

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети

Олмалиқ 6-ғишт заводлари бошқармаси	реконструкция	Олмалиқ
Янгийўл 8-ғишт заводлари бошқармаси (1, 2-заводлар)	реконструкция	Янгийўл
Келес 7-ғишт заводлари бошқармаси	реконструкция	Келес
Норуда қурилиш материаллари заводи	кенгайтириш	Бекобод
Шағал-қум кони	кенгайтириш	Чиноз
«Спецжелезобетон» комбинати	кенгайтириш	Эвалак
Норуда қурилиш материаллари заводи	реконструкция	Чирчиқ
Норуда қурилиш материаллари кони	кенгайтириш	Облиқ
Норуда қурилиш материаллари кони	янги	Калинин райони
Норуда қурилиш материаллари заводи	янги	Олмазор
Керамика комбинати	кенгайтириш	Ангрен
Қурилиш пластмассаси комбинати	кенгайтириш	Оҳангарон
«Сантехлит» заводи	кенгайтириш	Оҳангарон
Йирик панелли уйсозлик заводи	янги	Бекобод
Йирик панелли уйсозлик заводи	янги	Янгийўл
Уйсозлик комбинати	кенгайтириш	Чирчиқ
Қурилиш ва йўл машиналари ремонти заводи	янги	областда

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги

Мебель-декоратив газламалар ишлаб чиқариш комбинати	янги	областда
Уйинчоқ фабрикаси (филиал)*	янги	Гулбаҳор
Тарама майин жунли йигирув фабрикаси*	янги	Келес
Шойи тўқиш фабрикаси*	янги	Паркент
Устки трикотаж фабрикаси*	янги	Янгийўл
Устки трикотаж фабрикаси*	янги	Оҳангарон
Тикувчилик-трикотаж фабрикаси*	янги	Оққўрғон
Пайпоқ фабрикаси*	янги	Чирчиқ
Устки трикотаж буюмлари фабрикаси*	янги	Янгибозор
Ички трикотаж буюмлари фабрикаси	янги	Олмазор аҳоли пункти
Чарм ва чарм ўрнини қопловчи материаллардан спорт моллари ишлаб чиқариш фабрикаси	янги	областда
Тикувчилик фабрикаси	янги	Ангрен
Тикувчилик фабрикаси	янги	Сойлиқ аҳоли пункти
«Ғунча» тикувчилик фабрикаси филиали	кенгайтириш	Паркент
«Ғунча» тикувчилик фабрикаси филиали	кенгайтириш	Майское аҳоли пункти

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги

Сирли ва лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи (ГДР технология линияси)	янги	Товоқсой аҳоли пункти
Девор ва тошқол-бетон буюмлари ишлаб чиқариш заводи	янги	областда
Керамика заводи	янги	областда
Картон идишлар фабрикаси (Австрия технология линияси)	янги	Ғазалкент
Корсет буюмлари фабрикаси* (ГДР технология линияси	янги	областда
«Металлист» заводи	кенгайтириш	Бекобод
«Ташигрушка» фабрикаси филиали	кенгайтириш	Гулбаҳор
Чарм заводи	кенгайтириш	областда
Гилам фабрикаси	кенгайтириш	Олмалиқ

Ўзбекбирлашув

Консерва заводи	янги	областда
Тош босма цехли тара ускуналари, картон-ўрама материаллари ишлаб чиқариш заводи	янги	Бараж

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехи	янги	областда

«Ўзбекмебель» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмаси*

Мебель фабрикаси	кенгайтириш	Янгийўл

«Ўзбекриба» ишлаб чиқариш бирлашмаси*

Балиқ консерва заводи	янги	областда

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги

Сўх ГЭСи	янги	

СССР Химия саноати министрлиги

Химиявий тола заводи	янги	Фарғона

СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги

Велосипед ишлаб чиқарувчи завод	янги	областда
«Яккатутсельмаш» заводи*	кенгайтириш	Яккатут

СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги

Янги Қўқон химия заводи	ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириш	Қўқон
Суперфосфат заводини ремонт-механика заводига айлантириш	ишлаб чиқариш соҳасини ўзгартириш	Қўқон
«Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси	реконструкция, кенгайтириш	Фарғона

СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги

«Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмаси	кенгайтириш	Фарғона

* * *

Рангли кинескоплар заводи	янги	областда

СССР Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги

Медицина техникаси илмий-ишлаб чиқариш комплекси	янги	Қўқон
махсус-техника ускуналари заводи*	янги	Қўқон

* * *

Тикув машиналари ишлаб чиқариш заводи	янги	областда

* * *

Радионавигация ускуналари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш заводи	янги	Қўқон

СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги*

Цемент комбинати	техникавий қайта жиҳозлаш	Қувасой

СССР Давлат агросаноат комитети

Автокранлар тайёрлаш заводи (АВШ—6)	янги	Қўқон

СССР Давлат агросаноат комитети*

Консерва заводи	янги	Қува
«Ферганапиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси	реконструкция	Фарғона
Алкоголсиз ичимликлар заводи	янги	Қўқон
2-сут заводи	янги	Фарғона
Ғишт заводи*	кенгайтириш	Шўрсув
Ғишт заводи	янги	Риштон
Ғишт заводи	янги	Оҳунбобоев райони
Парчалаш-саралаш қурилмаси	кенгайтириш	Қўқон

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети*

Норуда қурилиш материаллари кони	реконструкция	Фарғона
Керамзит заводи	янги	Фарғона
Фарғона уйсозлик комбинати	кенгайтириш	Фарғона
Фарғона йирик панелли уйсозлик заводи	янги	Қўқон
Темир-бетон буюмлар заводи	янги	Фарғона
Монолит уйсозлик базаси	янги	Қўқон
Монолит уйсозлик базаси	янги	Фарғона
Областда йирик панелли уйсозлик заводи	янги	Фарғона
Монолит уйсозлик базаси	янги	Фарғона

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги

Нон комбинати	реконструкция	Қўқон

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги

Чарм-галантерея фабрикаси	янги	Фарғона
Тикувчилик фабрикаси	янги	Марғилон
Тикувчилик фабрикасининг филиали	янги	Данғара аҳоли пункти
Тўқимачилик комбинатида пардозлаш фабрикаси	кенгайтириш	Фарғона
Пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси	кенгайтириш	Фарғона
Тикувчилик фабрикаси	реконструкция	Қўқон
Гилам комбинати*	янги	Қўқон
Тикувчилик-трикотаж фабрикаси*	янги	Янгиқўрғон
Трикотаж мато фабрикаси*	янги	Ҳамза шаҳри
Пайпоқ тўқиш фабрикаси*	янги	Қува шаҳри
Момиқ фабрикаси*	кенгайтириш	Киров аҳоли пункти
Шойи тўқиш фабрикаси*	кенгайтириш	Қўқон
Шойи комбинати*	кенгайтириш	Марғилон
Хром-чарм заводи*	кенгайтириш	Қўқон
Чинни заводи*	кенгайтириш	Қувасой

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги

Велосипед ишлаб чиқариш заводи (Ҳиндистон билан қўшма корхона)	янги	Қува
Миллий кондитер маҳсулотлари фабрикаси	янги	Яйпан
Рўзғор химияси заводи	кенгайтириш	Қувасой
Марғилон чўян қуйиш заводи	кенгайтириш	Марғилон
Жун йигириш фабрикаси*	кенгайтириш	Олтиариқ

Ўзбекистон карлар жамияти

Ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси	янги	Фарғона

Ўзбекбирлашув

Кондитер фабрикаси	янги	Қува шаҳри

«Ўзбекмебель» территориал-ишлаб чиқариш бирлашмаси

Фарғона мебель деталлари комбинати	янги	Фарғона
Мебель фабрикаси	янги	Қўқон
Мебель фабрикаси	кенгайтириш	Фарғона

Область ижроия комитети*

Чиқиндиларни қайта ишлаш заводи	янги	Фарғона шаҳри
Ғовак блоклар заводи*	янги	Қўқон
Оҳак заводи	янги	Шўрсув
Гипс заводи	янги	Шўрсув

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

СССР Нефть химияси саноати министрлиги

Махсус ишчи пойабзали заводи	янги	областда

СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги

Енгил автомобиллар учун сим бойламлари ишлаб чиқариш заводи	янги	Шовот

СССР Электротехника саноати министрлиги*

Кам қувватли электр двигателлар заводи	янги	Урганч шаҳри

СССР Станоксозлик саноати министрлиги*

Рўзғор техникаси ишлаб чиқариш заводи	янги	областда

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети*

Консерва заводи	янги	областда
Алкоголсиз ичимликлар заводи	янги	Урганч
Сут заводи	янги	Хива
Ғишт заводи*	кенгайтириш	Қўшкўпир райони

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети*

Силикат ғишт корхонаси	реконструкция	Урганч
Керамзит заводи	янги	областда
Урганч уйсозлик комбинати	реконструкция	Урганч
Темир-бетон буюмлар заводи	реконструкция	Урганч

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги*

Дон маҳсулотлари комбинати	янги	Урганч

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети

Керамзит заводи	янги	Дружба шаҳри

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги

Жаккард декоратив газлама фабрикаси	янги	областда
Тикувчилик-трикотаж фабрикаси	янги	областда
Тикувчилик фабрикаси	янги	Хонқа
Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиали	кенгайтириш	Янгиариқ
Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси	реконструкция	Урганч
Гилам комбинати*	янги	Хива шаҳри
Устки трикотаж фабрикаси*	янги	Дружба шаҳри
Чинни заводи*	янги	Боғот шаҳри
Хоразм тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси*	кенгайтириш	Урганч шаҳри
Йигириш-тўқиш фабрикаси*	соҳасини ўзгартириш	Боғот шаҳри

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги

Лента тўқиш фабрикаси (ГДР технология линияси)	янги	Гурлан
Трикотаж буюмлар фабрикаси	кенгайтириш	Урганч

(Давоми тўртинчи бетда).

1991—1995 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ССРни СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОГРАММАСИДА ҚУРИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ БЕЛГИЛАНГАН КОРХОНАЛАРНИНГ РЎЙХАТИ

(Давоми. Боши иккинчи ва учинчи бетларда).

Ўзбекистон кўрлар жамияти

Ишлаб чиқариш комбинати филиали — янги — Хива

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотларни билан таъминлаш давлат комитети

Контейнер автозаправка станциялари ва техникасини ишлаб чиқариш заводи — янги — Урганч

«Ўзбекмебель» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси

Мебель фабрикаси — кенгайтириш — Урганч

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

СССР Газ саноати министрлиги

«Средазгазавтоматика» заводи — кенгайтириш

СССР Рангли металлургия саноати министрлиги

Иккиламчи алюминийдан прессланган профиллар ишлаб чиқариш цехи — кенгайтириш

СССР Қора металлургия саноати министрлиги

Металломни қайта ишлаш цехи — реконструкция

СССР Олмос-олтин Бош бошқармаси

Таркибида қумуш бўлган чиқитларни йиғиш ва қайта ишлаш цехи — янги

Заргарлик заводи — реконструкция

СССР Химия саноати министрлиги

«Совпластитал» муштарак корхонаси — кенгайтириш

Лак-бўёқ заводи — халқ истеъмоли моллари цехи — кенгайтириш

Қадоқлаш ва ўраш ускуналари тажриба-конструкторлик бюроси — кенгайтириш

Синтетик ювиш воситалари заводи — реконструкция

СССР Электротехника саноати министрлиги

«Ташэлектромаш» заводи — кенгайтириш

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси — кенгайтириш

Тошкент электр техника заводининг филиали — кенгайтириш

СССР Станоксозлик саноати министрлиги

Асбобсозлик заводи — реконструкция

Абразив комбинати — кенгайтириш

СССР Химия машинасозлиги министрлиги

Компрессор заводи — кенгайтириш

* * *

«Электробитмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси — кенгайтириш

«Ташавтоматика» заводи — кенгайтириш

«Восток» ишлаб чиқариш базаси илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — кенгайтириш

* * *

Хусусий ЭҲМ ишлаб чиқарувчи «Алгоритм» заводи — техник қайта жиҳозлаш

Тез музлаткич ускуналар «Зенит» заводи — реконструкция

* * *

«Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси — реконструкция ва кенгайтириш

СССР Темир йўллар министрлиги

Тепловоз ремонт заводи — реконструкция

СССР Оғир машинасозлик министрлиги

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси — кенгайтириш

СССР Ўрмон саноати министрлиги

Ёғоч-пайраҳа плиталар ишлаб чиқарадиган завод — янги

Қоғоз фабрикаси — реконструкция

СССР Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси — кенгайтириш

Қуюв комплекси — кенгайтириш

«Ўзбексельмаш» заводи — реконструкция

Тажриба-механика заводи — кенгайтириш

Мотор заводи — кенгайтириш

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети *

«Колос» типидаги картошка маҳсулотлари заводи — янги

Кондитер фабрикаси — янги

Алкоголсиз ичимликлар заводи — янги

2-Сут комбинати — кенгайтириш

Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги *

Жайдари ундан нон ёпиш заводи — янги

Булка-кондитер комбинати — янги

Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети *

Керамзит завод — кенгайтириш

Махсус темир-бетон ва кичик меъморчилик қолипларини ишлаб чиқарувчи завод — янги

Монолит уйсозлик базаси — янги

16 қаватли уйлар учун йирик панелли уйсозлик деталлари заводи — янги

Темир-бетон буюмлари заводи — янги

Ёғоч-пайраҳа плиталардан бинокорлик деталлари заводи — янги

Паркет чиқарувчи завод — янги

Пластмасса дурадгорлик деталлари заводи — янги

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги

Офсет босма фабрикаси

Пресс қолиплар тайёрловчи ихтисослашган корхона — янги

Тўқимачилик комбинати энли газламалар ишлаб чиқарувчи йигирув-тўқув фабрикаси соҳасини ўзгартириш — кенгайтириш

1-йигирув-тўқув фабрикаси (Ҳиндистон фирмаларини жалб этиб) — техник қайта жиҳозлаш

Чарм-мўйна заводи (бошқа негизга кўчириш) — реконструкция

Пилла ва хом ипакни кондициялаштириш бўйича биллакашлик тажриба фабрикаси — реконструкция

«Учқун» ишлаб чиқариш тўқимачилик-галантерея бирлашмаси — реконструкция

Экспериментал фурнитура-пластмасса заводи — реконструкция

Чинни заводи * — кенгайтириш

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги

Рўзғор термослари чиқарувчи завод (ХХР технология линияси) — янги

Болалар кийимлари тайёрловчи тикувчилик фабрикаси — янги

Пластмасса буюмлар заводи — кенгайтириш

Хўжалик-рўзғор буюмлари заводи — кенгайтириш

Рўзғорбоп электр асбоблари заводи (электр ёритгичлар) — кенгайтириш

Тошкент ОЗМЗ заводи (ойна корхонаси ва колбалар чиқариш) — кенгайтириш

Ошхона мебели заводи (ГФР технология ускуналари) — кенгайтириш

Ўзбекистон кўрлар жамияти

Тошкент ишлаб чиқариш комбинати — реконструкция техник қайта жиҳозлаш

Ўзбекистон карлар жамияти

Чарм-галантерея бирлашмаси — янги

Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги

Троллейбуслар ремонти заводи — янги

Шаҳар ижроия комитети

Волжск автомобиль ремонти заводини реконструкциялаш — реконструкция

Чиқиндиларни қайта ишлаш заводи — янги

«Ўзбекмебель» территориал ишлаб чиқариш бирлашмаси

Мебель фабрикаси — кенгайтириш

Эслатма * раҳбар органларнинг илгари қабул қилинган қарорларида кўзда тутилган объектлар қурилиши

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛ ИНСТИТУТИ
1989-1990 ўқув йили учун

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ИНСТИТУТДА КУНДУЗГИ, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

ИНСТИТУТДА ҚУЙИДАГИ ФАКУЛЬТЕТЛАР ВА ИХТИСОСЛИКЛАР МАВЖУД.

Автомобиль транспорти факультети: автомобиллар ва автомобиль хўжалиги.

Автомобиль транспорти эксплуатацияси ва иқтисоди факультети: йўл ҳаракатини ташкил этиш, транспортда юк ва йўловчиларни ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш, транспорт иқтисоди ва уни бошқариш.

Йўл қурилиши ва уни механизациялаш факультети: автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, кўприклар ва транспорт тоннеллари, кўтаргич-транспорт ва йўл қурилиш машиналари ҳамда изоҳлари.

Кечки автомобиль транспорт факультети: автомобиллар ва автомобиль хўжалиги, транспортда юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш, транспорт иқтисоди ва уни бошқариш.

Кечки йўл қурилиши факультети: автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, кўприклар ва транспорт тоннеллари, кўтаргич-транспорт ва йўл қурилиш машиналари ҳамда жиҳозлари.

Сиртқи факультет: автомобиллар ва автомобиль хўжалиги, транспортда юк ва йўловчилар ташишни ташкил этиш ва уни бошқариш, автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, кўприклар ва транспорт тоннеллари, кўтаргич-транспорт ва йўл қурилиши машиналари ҳамда жиҳозлари.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ: кундузги бўлимда — 4 йилу 10 ой; **кечки ва сиртқи** бўлимларда 5 йилу 10 ой.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Қабул қилиш ҳақидаги ариза институт ректори номига белгиланган формада ёзилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади: ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусха), сўнгги иш ёки ўқиш жойидан муҳр билан тасдиқланиб, олий ўқув юртига кириш учун берилган характеристика (ҳарбий хизматдан запаста чиқарилганлар учун шарт эмас), меҳнат дафтарчасидан ёки колхоз аъзоси дафтарчасидан маъмурият тасдиқлаган кўчирма, 086/У форма бўйича медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат.

Ўқишга кирувчилар қабул комиссиясига ҳужжатларни топширганда паспорт, ҳарбий билет ёки гувоҳномани шахсан кўрсатадилар.

Кечки бўлимга ҳужжатлар Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг шаҳар яқинида жойлашган районларида яшовчилардан, ҳамда танланган ихтисослик бўйича ишловчилардан қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга кирадиганлар аризаларни яшаб турган жойларига яқин бўлган олий ўқув юртига танлаган ихтисосликлари бўйича топширишлари мумкин.

Институтга кирувчилардан аризалар қуйидаги муддатларда қабул қилинади: КУНДУЗГИ БЎЛИМГА 15 ИЮЛГАЧА, КЕЧКИ БЎЛИМГА 15 АВГУСТГАЧА, СИРТҚИ БЎЛИМГА 15 АВГУСТГАЧА.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

Институтга кирувчилар математикадан (ёзма), физикадан (оғзаки), она тили ва адабиётдан (ёзма) кириш имтиҳонлари топширадилар. Математика ва физика фанлари бўйича ўтказиладиган имтиҳонлар асосий (конкурсли) бўлиб, беш балл системасида баҳоланади. Она тили ва адабиётдан имтиҳон эса, икки балл асосида «қониқарли» ва «қониқарсиз» тарзда баҳоланади.

Агар абитуриент СССР халқларидан бирининг миллий тилида ўрта мактабни тугатган бўлса, ўз хоҳишига биноан она тили ва адабиётдан ёзма иш ўрнига рус тилидан диктант ёзиши мумкин.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ КУНДУЗГИ БЎЛИМДА 16 ИЮЛДАН 1 АВГУСТГАЧА, КЕЧКИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРДА 16 АВГУСТДАН 30 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ўрта мактабни олтин медаль ёки ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар фақат математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Бу имтиҳон «5» баҳога топширилган тақдирда, кирувчилар қолган имтиҳонлардан озод қилинади. Агар «4» ёки «3» баҳо олинса, қолган ҳамма фанлардан имтиҳон топширадилар.

Ўрта махсус маълумоти бўлган ва ўз ихтисосликлари бўйича 1 йилдан кам ишламаган кишилар кечки ёки сиртқи бўлимларнинг тегишли ихтисосликларига махсус суҳбат натижасига асосан имтиҳонсиз қабул қилинади. Бу хилдаги абитуриентлар учун ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади. Суҳбатлар 14 ва 15 августда ўтказилади. Суҳбатдан ўта олмаганлар умумий қоидаларга биноан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Сиртқи факультетга қошида «Автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш» мутахассислиги бўйича инженерлар тайёрловчи қисқа муддатли (4,5 йил) ўқув бўлими мавжуд бўлиб, унга қабул қилинувчилар 1215, 1216, 1219 ва 1221 — мутахасисликлари бўйича ўрта махсус ўқув юртини тамомлаган ҳамда шу соҳа бўйича ишлаб турган бўлишлари ва уларнинг иш стажлари 2 йилдан кам бўлмаслиги керак.

Бу бўлимга кириш учун, юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча, ишчилар коллективи кенгаши томонидан берилган йўлланма топширилиши зарур.

Қисқа муддатли бўлимга кирувчилар махсус комиссия суҳбатидан ўтадилар. Суҳбат 4—6 июлда ўтказилади. Ҳужжатлар 30 июнгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари ўрта мактаб программасига мос бўлган, СССР халқ таълими Давлат комитети тасдиқлаган программаларга мувофиқ ўтказилади.

Кириш имтиҳонларини топширганларга иш жойидан белгиланган тартибга биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда 15 календарь кун отпуска берилади (олий ўқув юртига бориш ва қайтиб келиш вақти бунга киримайди).

Институтга қабул қилиш СССР халқ таълими Давлат комитети тасдиқлаган қоидаларга биноан ўтказилади.

Институт адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй. Қабул комиссияси.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида

Республикамизда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси муҳокамаси бошланди. Редакциямизга халқ депутатлари, граждалар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларининг лойиҳа юзасидан таклиф ва мулоҳазаларни келиб турибди. Бугун ана шундай мактубларнинг дастлабкисини эътиборингизга ҳавола этамиз.

МУКАММАЛ БЎЛСИН

Илдизи демократия ва ошкораликдан куч олиб, бақувватлашиб бораётган қайта қуриш шарофати билан халқ қалбидаги кўплаб эзгу ниятлар ижобат бўлмоқда. Хусусан, бир пайтлар ўта жўн, бир ёқлама талқин қилинган ёки умуман талқин қилинмаган миллий тиллар масаласи энди чуқур ўрганилмоқда, бир сўз билан айтганда, том маънодаги ленинча тил сиёсати тикланмоқда. Муҳокама учун эълон қилинган «Тиллар тўғрисидаги қонун» лойиҳаси ана шу тикланишнинг ёркин далилидир.

Қонун лойиҳаси ўзбек тилига республикамиз доирасида давлат тили мақомини беришни кўзда тутади. Айни чоғда у ўзбек тилининг, шунингдек, республикадаги бошқа халқлар вакиллари тилларининг тараққиётини таъминлаш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мутлақо қонуний ҳол ва шунинг учун ҳам айни қонун лойиҳасини республикамиз аҳолисининг қониқиш даражаси деб айтади. Тил ҳақидаги қонуннинг тили мукаммал, ҳар қандай нуқсонлардан мутлақо холи бўлмоғи лозим.

2. Умумий қоидалар берилган 1 бобнинг 3-моддасида «рус тили — миллатлараро муомала воситаси» эканлиги, «Ўзбекистон ССР чегарасидан ташқарига жўнатиладиган расмий хат-ҳужжатлар асосан рус тилида ёки ҳар икки томон учун мақбул тилда тузилиши» айтилган. Бу жуда тўғри ва маъқул. Лекин ана шу маъқул фикр, яъни республикадан ташқарига жўнатиладиган хат-ҳужжатларнинг рус тилида бўлиши III бобнинг 11-моддасида, IV бобнинг 15-моддасида кераксиз равишда таъкидланаверган. Бу ва бошқа ўринларда ҳам рус тилига керагидан ортиқ урғу берилгандай туюлади. 13-моддадаги «Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади» тарзидаги таърифни **«...ўзбек тилида ва зарур бўлганда рус тилида ёзилади»** тарзида таҳрир қилиш мақсадга мувофиқ. Бошқа моддалардаги тегишли ўринларни ҳам юқоридаги каби **«зарур бўлганда»** ибораси билан тўлдириш маъқул.

3. Айрим моддалардаги таърифларда зиддият бордай туюлади. Хусусан, 12-моддада ўқиймиз: «Муассаса, корхона ва ташкилотнинг ходимлари билан раҳбари ўртасидаги хизмат юзасидан бўладиган муносабатларда муомала ва ахборот тилини тобе ходим танлайди». Бу мутлақо тўғри ва одил фикр. Лекин кейинги мана бу жумла айни шу фикрга мутлақо зид: «Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини қўллаши мумкин». Агар раҳбар ўзбек ва рус тилларидан ўзи истаган бирини қўллаш ҳуқуқига эга бўлса, тобе ходимнинг тил танлашдаги эркин қаёққа кетади?!

4. Эски ўзбек ёзуви ҳақидаги 24-модда конкрет эмас. Уни қуйидагича таҳрирда берилса, мақсадга мувофиқ бўларди: **«Ўзбекистон ССРда ўрта мактабларда ва гуманитар ихтисосли олий ва ўрта махсус ўқув юртларида эса ўзбек ёзуви ўргатилади, бу ёзувни ўрганишни истаган гражданларга ёрдам берилади».**

5. Қонун лойиҳасида ўзбек тили нормасига риоя этиш ҳақида алоҳида модда берилиши айни муддао. Бу модда шундай таърифланган: «Давлат тили расман ишлатиладиган (?!) соҳаларда ўзбек адабий тилининг амалдаги нормаларига риоя этилади». Савол туғилади: Агар тил давлат тили бўлса, у расман ишлатилмайдиган соҳа ҳам бўладими? Демак бу модда таҳрир этилиши лозим.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан жуда кўп ишлар қилиниши лозим. Бунда бошқа тилларнинг ҳам яшаш шароити, тараққиёт йўллари билан боғлиқ тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади. Айни қонундаги кўрсатмаларнинг реал амалга ошмоғи, доимий ҳаракатда бўлмоғи, қисқаси, жамиятимизга ҳалол хизмат қилмоғи учун аввало айни қонуннинг ўзи бенуқсон мукаммал, икки ёқлама талқинга йўл қўймайдиган бўлиши лозим. Юқоридаги мулоҳазаларни баён қилишдан кузатилган ягона мақсад ҳам ана шу.

Н. МАҲМУДОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Дўстлик, ҳамжиҳатлик — турмуш тарзимиз

ЎЗ УЙИМ...

Бағринг бутун бўлсин» деган гап бекорга айтилмаган. Чунки унинг замирида фарзандлар, оила аъзолари омонлиги, дўстлар туфайли хонадон ободлиги, тотув турмуш, аҳиллик каби тилаклар мужассам. Бироқ Фарғона фожиасидан кейин бундай фикрни Тошкент областида яшовчи месхети туркларига нисбатан ҳам айтиш қийин бўлиб қолди. Чунки, турли миш-мишларга ишониб, саросимага тушган ҳамюртларимиз ини бузилган қушлардай бошпана излаб, қўшни юртларга кўча бошлашди. Оқибатда, қишлоқ хўжалик экинлари парваришида айрим узилишлар бўлди, медицина, маиший хизмат ва маорифда соҳасида камчиликларга йўл қўйилди. Бу ҳол айниқса, месхети турклари зич яшайдиган Оққўрғон, Янгийўл, Бўка, Пискент районларида кузатилди. Маҳаллий партия, совет, жамоат ташкилотлари қандай бўлмасин бундай англашилмовчиликка чек қўйиш, миш-мишларнинг пайини қирқиш, аҳоли ва хусусан, ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш учун ҳаракат қилдилар. Тадбирлар зое кетмади. Қисқа вақт ичида Қозоғистон ва Қирғизистонга кўчиб кетган месхети туркларидан минг нафардан ортиғи (25 июнга қадар) қадрдон жойларига қайтиб келишди. Лекин менинг оиламга ўхшаш баъзи оилалар ўша кунлари бошқаларга эргашиб кўчиб кетишни тасаввур ҳам қилиб кўрмади. Чунки бизни ҳеч ким ҳайдамаганди, урмаганди, сўкмаганди, ҳафа қилмаганди. Шундай бўлгач, ишончсизликка ўрин йўқ эди.

Тўғри, биз яшаётган Алимкент посёлкасида миш-мишларга ишониб, саросимага тушиб палак ёзган жойларидан кўчиб кетганлар кўп бўлди. Биз — фаоллар посёлкада ҳам, улар кўчиб бориб жойлашган ерларда ҳам тушунтириш ишлари олиб бордик. Алимкент посёлка Совети қошида ташкил этилган штаб аъзоларидан Абдумухтор Давлатов, Муҳаммад Останақулов, Владлен Медведев сингари ўртоқлар ишини ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин. Рамис Ансаров, Абдулла Аҳмедов каби коммунистлар жамоатчилик ўртасида ҳозир ҳам кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Посёлка Советининг ўзида олти киши қачаю-кундуз навбатчилик қиляпти. «Кўнгилли халқ дружиначиларидан 30 киши саноат корхоналари ва кўчаларда осойишталикни таъминлаш чора-тадбирларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Тушунтириш ишларимизнинг зое кетмаётганини қуйидаги мисол билан далиллаш мумкин. Англашилмовчилик оқибатида қадрдон жойларини тарк этган 651 киши яна ўз қишлоғига қайтиб келишди ва ўз коллективларида иш бошлашди.

Ишончимиз комилки, қолган юртдошларимиз ҳам жаҳолатда келган қарорларидан воз кечиб, фарзандлари туғилиб ўсган жойларга қайтиб келишади. Фабрика, завод, корхона, колхоз ва совхозларда вақтинча тўхтаб қолган ишлар яна юришиб кетишига шубҳа йўқ.

Холис АҲМЕДОВ,
КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.
Оққўрғон районидаги Алимкент қишлоғи.

Ҳамшираларга кўриги

● «Ўзбексельмаш» заводи ишчи-хизматчилари ўртасида саломатликни мустаҳкамлаш, бўш вақтни оқилона ташкил этиш ишларига алоҳида эътибор қилинмоқда. Корхонанинг даволаш-профилактика қисми ходимлари ишчиларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишмоқда. Коммунист М. Миркаримова ташаббуси билан ўтказилган касб маҳорати кўриги ҳам ҳайрли тадбирлар сирасига киради.

Кўрик қатнашчилари шинам қилиб безатилган залда тўпландилар. 8 нафар ҳамшира ўзлари ёзган иншони ҳайъат аъзоларига тақдим этиб, унинг моҳиятини сўзлаб бердилар. Сўнгра савол-жавобларга ўтилди. Амалий машғулотлар эса беморга биринчи медицина ёрдамини кўрсатиш, жароҳатни боғлаш ҳадиси бўйича уюштирилди. Шундан кейин қизлар пазандалик бобида ўзига хос синовдан ўтдилар. Кўрик ҳайъати аъзолари Ж. Омонова, С. Худоёрова, Ф. Муҳаммаджонова, Г. Орипова, К. Камолова, С. Турдиева, Ж. Ғиёсова, Э. Ниёзованинг маҳоратларини юқори баҳоладилар. Ж. Омонова кўрик ғолиби деб топилди.

М. ТОШМУҲАМЕДОВА,
И. ФАЙЗИЕВ.

● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

БИРИНЧИ МАРТА

● Биллур соврин — СССР кубоги учун ҳал қилувчи учрашув мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Пойтахт торпедочилари билан «Днепр» футболчилари ўйини муросасиз баҳсларга бой бўлди. Учрашувда «Днепр» ўйинчилари киритган ягона тўп соврин тақдирини ҳал қилди. Днепрчилар биринчи марта СССР кубогини қўлга киритишди.

● СПОРТ ● СПОРТ

ЯКУНЛОВЧИ УЧРАШУВЛАР

● Иккинчи лиганинг еттинчи зонаси коллективлари чемпионатнинг дастлабки даврасини сўнгги тур учрашувларини ўтказишди. Жиззахнинг «Ёшлик» командаси «Ахал» коллективини қабул қилиб (2:0), жами очколарини 31 тага етказган ҳолда пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади. «Зарафшон» 26 очко билан довон ошди. Сурхончилар Самарқанд динамочилари майдонида ютқазиб (0:1), 25 очко билан иккинчи давра ўйинларини бошлайдиган бўлдилар. Фарғонанинг «Нефтяник» коллективида 24 очко бор. Шунингдек, кучли олтиликдан жой олиб турган «Трактор» ҳисобида 23 та, «Вахш» коллективида 22 тадан очко тўпланди.

● СПОРТ ● СПОРТ

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

СССР Алоқа министрлигининг
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, тарбиявий ишлар бўйича бўлим мудирининг ўринбосари, лаборатория мудири, техника хавфсизлиги, хўжалик бўлими бўйича (қурувчи-инженер) инженерлар.

АРИЗАЛАРНИ БЕРИШ МУДДАТИ — 1989 ЙИЛНИНГ 5 ИЮЛИГАЧА.

Техникум адреси: Тошкент шаҳри, У. Юсупов кўчаси, 70-у йўл (10, 19, 23, 27-трамвайлар; 10-троллейбус; 18, 44, 48, 97-автобусларнинг «Алоқа техникуми» бекати).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари филология фанлари кандидати Ғ. Мўминовга опаси
Шарофат АЗИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Микробиология институти коллективи тупроқ микробиологияси лабораториясининг мудири, биология фанлари кандидати И. Жуманиязова акаси — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани
Юсуп ЖУМАНИЯЗОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуш — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04190 Б. — 151 ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12